



## INTEGRAL WORLDVIEW: HARMONY OF KNOWLEDGE AND FAITH

**Dilbar Irgashevna Fayzikhodjaeva**

Doctor of Philosophy (PhD), Associate Professor  
Department of Philosophy, National University of Uzbekistan  
dilbarfayzihodja@gmail.com  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15656916>

### ARTICLE INFO

Received: 06<sup>th</sup> June 2025  
Accepted: 12<sup>nd</sup> June 2025  
Online: 13<sup>rd</sup> June 2025

### KEYWORDS

Worldview, integral  
worldview, knowledge,  
beliefs, the world of  
concepts.

### ABSTRACT

*The article examines the essence of the concept of an integral worldview based on Ken Wilber's integral approach, the combination of knowledge and beliefs in its formation, as well as its impact on changing a person's worldview.*

## ИНТЕГРАЛЬНОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ: ГАРМОНИЯ ЗНАНИЯ И ВЕРЫ

**Файзиходжаева Дилбар Иргашевна**

доктор философских наук, доцент. Кафедра философии НУУЗ.  
dilbarfayzihodja@gmail.com  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15656916>

### ARTICLE INFO

Received: 06<sup>th</sup> June 2025  
Accepted: 12<sup>nd</sup> June 2025  
Online: 13<sup>rd</sup> June 2025

### KEYWORDS

Мировоззрение,  
интегральное  
мировоззрение, знания,  
убеждения, мир  
понятий.

### ABSTRACT

*В статье рассматривается суть концепции интегрального мировоззрения на основе интегрального подхода Кена Уилбера, сочетание знаний и убеждений в его формировании а также его влияние на изменение мировоззрения личности.*

## ИНТЕГРАЛ ДУНЁҚАРАШ: БИЛИМ ВА ЭЪТИҚОД УЙЃУНЛИГИ

**Файзиходжаева Дилбар Иргашевна**

ф.ф.д., доцент. ЎзМУ Фалсафа кафедраси  
dilbarfayzihodja@gmail.com  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15656916>

### ARTICLE INFO

Received: 06<sup>th</sup> June 2025  
Accepted: 12<sup>nd</sup> June 2025  
Online: 13<sup>rd</sup> June 2025

### KEYWORDS

Дунёқараш, интеграл  
дунёқараш, билим,  
эътиқод, тушунчалар  
олами.

### ABSTRACT

*Мақолада Кен Уилбернинг интеграл ёндашуви асосида интеграл дунёқараш тушунчасининг моҳияти, унинг шаклланишида билим ва эътиқоднинг уйғунлиги ва шах тушунчалар оламининг ўзгаришига таъсири тадқиқ қилинади.*



Ахборот маконининг глобаллашуви, ижтимоий тармоқлардан эркин фойдаланиш ва СИНинг ҳар бир инсон ҳаётига кириб келиши ва таъсири натижасида виртуал воқелик баъзан реал воқеликни қабул қилишни мураккаблаштирмақда. Шахсининг хулқ атвор норма ва қоидалари воқеликни одатий бўлган тушуниш ва ҳаракат қилиш усулларини шубҳа остига олмоқда, индивидуал идентификация усулларининг ўзгаришига олиб келмоқда. Замонавий фалсафий концепцияларда ўтмиш, келажак ва бугунги кун ўртасидаги диалектик алоқадорлик асосида турли маданий оламларга хос ғояларни бирлаштириш тенденцияси яққол намоён бўлмоқда. Аввал бир бирига зид деб қаралган фан ва дин, билим ва эътиқоднинг бугунги кунда ўзаро алоқадорлиги ва бир бирини тўлдириши эътирозсиз қабул қилинмоқда. Бугунги куннинг долзарб муаммоларинининг ечимини излашда турли ижтимоий маданий парадигмаларга бўлган муносабат долзарблашмоқда. Замонавий тараққиёт тинчлик, гуманизм, мулоқот ва толерантлик, олам ва инсон экологияси каби ғояларга асосланган, глобал таназзулга қарши тура оладиган янги интеграл дунёқарашни шакллантиришни талаб қилмоқда.

Интеграл дунёқараш нима? Замонавий фалсафий тадқиқотларда бу тушунчанинг уч хил талқини берилади. Биринчи талқинга кўра интеграл дунёқараш деганда Шарқ ва Ғарб ғояларининг синтези тушунилади. Иккинчи талқинга кўра жамият ва инсон маънавий маданияти барча соҳаларининг интеграцияси тушунилади. Учинчи талқинга кўра интеграл дунёқараш умумий универсал, умуминсоний дунёқараш бўлиб, унда табиий ва гуманитар фанлар бирлашади. [3.23-24]

Сўнги вақтда бу масалада америкалик файласуф ва ёзувчи Кен Уилбернинг индивидуал ва космик онгнинг бирлигига асосланган интеграл ёндашуви етакчилик қилмоқда. Бу ёндашувда онг, инсон ва коинотга оид турли соҳаларнинг ўхшаш томонлари умумлаштирилиб, дунёқарашни ташкил этувчи элементлар янги ракурсда берилади. Уилбер ўз интеграл назариясида бутун ва бўлак ўртасидаги муносабатни тушунтиришда “бўлакнинг ўзи ҳам бутундир” деган постулатга асосланади. У ўзаро боғланган тўртта фундаментал оламни тўртга бўлинган квадрат шаклида тасвирлайди. Квадратнинг чап юқори қисми “мен”ни – алоҳида инсоннинг интроспектив оламини, мақсадини; квадратнинг чап пастки қисми “биз”ни – инсон мансуб бўлган маданият – муносабат, коммуникация, тушуниш, талқин қилиш оламини билдиради. Квадратнинг ўнг юқори қисми “у” – менни объект сифатида ўрганувчилар оламини, квадратнинг ўнг пастки қисми “улар” – ташқи коллектив оламни ифодалайди. Уилбернинг таъкидлашича, бу оламлар инсон билимларининг табиий тараққиёти натижасида шаклланган бўлиб, ҳар бир инсоннинг дунёқарашини шу квадрантларнинг бирлигида ва эволюциясида шаклланади. [5.56] Айтиш мумкинки, Уилбер интеграл дунёқарашни бир бутун яхлит тизим сифатида талқин қилади. Биз унинг интеграл ёндашувига асосланиб, интеграл дунёқарашни ўз ўзидан ўзининг қисмларини пайдо қилувчи ва ҳар бир қисмининг ўзи бутундан иборат бўлган феномен сифатида таърифлашимиз мумкин. Бундай дунёқарашда Шарқ ва Ғарб, билим ва эътиқод, фан ва дин, анъана ва инновация бир бирига қарши қўйилмайди, уларга бирликда, бир бутуннинг алоҳида томонларини ташкил этувчи бутун сифатида қаралади.

Интеграл дунёқараш бугунги кунда замон талабларига мос фикр юритиш парадигмасидир. Маълумки, фикрлаш парадигмаси инсоннинг маълум бир мавзу ёки



вазиятга ёндашиши ва тушуниши учун қабул қилган тузилма ёки андозани англатади. Бу инсоннинг фикрларини шакллантирадиган ва маълумотни қандай қабул қилиниши ва қайта ишланишига таъсир қилувчи тушунчалар ёки тахминлар тўпламидир. Турли хил фикрлаш парадигмалари ҳар хил хулосалар ва натижаларга олиб келиши мумкин. Фикрлаш парадигмалари муаммоларнинг самарали ечимини топиш ва қарор қабул қилиш учун жуда муҳимдир.

Интеграл дунёқараш қандай шаклланади? Интеграл дунёқарашни шакллантиришда биринчи навбатда билим ва эътиқоднинг уйғунлиги зарур шарт ҳисобланади. Билим воқеликни билиш жараёнида олинган натижаларнинг амалиётда тасдиқланиши оқибатида, инсон онгида тасаввур, тушунча, ҳукм, назариялар шаклида айнан инъикос этишидир. Мавзуимиз доирасида интеграл дунёқарашни шакллантиришда дунёвий ва диний илмларни бир ном – билим тушунчасида ифодалаймиз.

Эътиқод субъектнинг энг юқори даражадаги ишончини ифодаловчи ҳолатдир. Эътиқод узоқ вақт давомида шаклланади ва рационал асослашни талаб қилмайди. Эътиқод исботсиз қабул қилинади. Шунингдек, эътиқод шахснинг дунёни қабул қилишини ташкил этувчи энг асосий восита ҳисобланади. Эътиқод инсонга ташқи оламни кўришни, унда ўз йўлини топишни ва келажакка оид режалар тузиши учун асос ҳисобланади. Шунинг учун эътиқоддан воз кечиш инсон учун дунёқарашини ўзгартириш билан баробардир. Билим бўлмаса эътиқод ҳам бўлмайди.

Интеграл дунёқарашни шакллантиришда билим ва эътиқоднинг уйғунлиги кўйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

Интеграл дунёқараш билимнинг турли соҳалари, маданият ва маънавиятга ҳос анъаналарни ўрганиш, диний ва дунёвий илмларни эгаллаш орқали шаклланади. Бундай билим инсонга одатий тасаввурлар доирасидан чиқиб, оламни турли нуқтаи назарлардан кўришга имкон беради. Бу борада ўтмиш мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ахмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби алломаларимизнинг ҳаётлари ва илмий фаолиятлари биз учун андоза бўлиб хизмат қилади. Улар динийлик ва дунёвийликни ўзларида бирдек мужассамлаштирган, прогрессив дунёқарашга эга бўлишган.

Интеграл дунёқарашни ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири танқидий тафаккурни ривожлантиришдир. Бу инсонга ахборотни таҳлил қилиш, юзаки ва зиддиятли жиҳатларини аниқлаш, эмпирик маълумотлар ва рационал аргументлар асосида ўз нуқтаи назарини шакллантириш, илмий фаразларни текшириш, далилларни баҳолаш имконини беради. Танқидий тафаккурни шакллантириш учун мантиқ илмини, унинг замонавий йўналишларидан кўп қийматли мантиқ ва савол жавоб мантиғи (интеррогатив мантиқ) ни ўрганиш зарур. Кўп қийматли мантиқ масаланинг фақат иккита эмас, балки кўплаб ечимларга эгаллигини ва уларни аниқлаш усулларини ўргатса, интеррогатив мантиқ диалог, яъни савол-жавобни ташкил қилиш, савол ва жавобнинг турлари ва қўллаш усуллари ҳақида билим беради.

Ибодат қилиш, йога ёки медитация билан шуғулланиш ҳам интеграл дунёқарашни шакллантиришнинг муҳим воситаларидандир. Бу амалиётлар инсонга ўз онгини



кенгайтириш, ўзининг олам ва бошқа одамлар билан алоқадорлигини ҳис қилиш билан бирга ҳаётнинг, мавжудликнинг мақсади ва мазмунини англашга ёрдам беради.

Шахсий ҳаётнинг тажриба, одатийлик қобиғидан чиққан ҳиссий кечинмалар интеграл дунёқарашнинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Шахсий ҳаётдаги ўзгаришлар инсонни ўз эътиқод ва қадриятларини қайта кўриб чиқишга, ўзи учун воқеликнинг тушунишнинг янги қирраларини кашф этишга мажбур қилади.

Мулоқот ва ўзаро таъсир интеграл дунёқарашнинг шаклланишига хизмат қилади. Мулоқот нафақат билиш, балки ижтимоий қимматга ҳам эга. Турли дунёқарашга эга бўлган инсонлар билан мулоқот қилиш билим доирасининг кенгайишига, ўзгаларга сабр ва бағрикенглик билан муносабатда бўлишга таъсир кўрсатади. Мунозараларда қатнашиш, фикр алмашиш, муаммонинг ечимини биргаликда излаш, инсонга оламини турли нуқтаи назарлардан кўришга, ўз дунёқарашини бойитишга, кенгайтиришга ёрдам беради.

Интеграл дунёқарашни шакллантириш таълим тарбия соҳасида қандай натижаларга олиб келади? Интеграл дунёқарашни шакллантириш инсоннинг тушунчалар оламининг кенгайишига, воқеликни адекват акс этиришга, воқеа ва ходисаларга зиддиятлар тўқнашуви сифатида эмас, ҳамкорликнинг ўзига хос кўриниши сифатида ёндашишга ўргатади. Ўқитувчи ва ўқувчи таълим жараёнида ўзаро муносабатларини бир-бирига қарама-қарши томонлар сифатида эмас, мақсадлари бир бўлган инсонларнинг ўзаро ҳамкорлиги сифатида қабул қилишлари бунга мисол бўлади.

Ҳар бир шахснинг тушунчалар олами унинг шахсини идентификация қилишга, яъни шахсининг асл моҳиятини тушунишга имкон беради. Шахс идентиклиги (лот. *identicus* – айнанлик, бир хиллик) тушунчаси шахс томонидан ўзининг қайси ижтимоий гуруҳга мансублиги ҳамда шу ижтимоий гуруҳ доирасида қандай ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маиший, ахлоқий стереотипларга амал қилишини билдиради. Ушбу тушунча ижтимоий психологик нуқтаи назардан ҳар бир инсоннинг ҳаётнинг фаолиятини бошқарувчи императивдир. У инсонда “ мен кимман?”, “мени бошқалардан фарқим нима?” деган саволлар асосида вужудга келади ва идентикликнинг ўзи доимий изланишлар, ўз-ўзини англаш йўлидаги мураккаб жараённи босиб ўтади. [2.41-42.] Интеграл дунёқарашни шакллантириш - шахс идентиклигини сақлаган ҳолда ижтимоий, иқтисодий, маънавий, маиший, ахлоқий стереотиплар доирасини кенгайтириш, уни бошқалар билан ўзи ўртасидаги фарқ қилувчи ёки зиддиятли томонларга эмас, уларни бирлаштириб турувчи томонларга эътиборини қаратиш, атрофидагиларига қарши эмас, ҳамкор деб қарашга ўргатишдир. Бу ёшларда ўзига хос фикрлаш услубини тарбиялашни тақазо қилади.

Маълумки, фикрлаш услуби-бу маълумотни қайта ишлашнинг ўзига хос усули бўлиб, у одамнинг билимга эга бўлишини, фикрларни тартибга солишини, қарашлар ва фикрларни шакллантиришини, шахсий қадриятларни кўллашини, муаммоларни ҳал қилишини, қарорлар қабул қилишини ва режалаштиришини белгилайди. Фикрлаш услубида одатда қуйидаги таркибий элементлар ажратилади: дунё тасвири; воқеликни билиш усуллари; ақлий фаолиятнинг усуллари ва стандартлари; қадриятлар; анъаналар; олинган билимларнинг ҳақиқат мезонлари; маълум бир одамнинг ўзига хос



хусусиятлари билан белгиланадиган жиҳатлар. Интеграл дунёқарашда дунё тасвири мен ва у, биз ва уларнинг бирлигида, умумий томонларининг бирламчи ўринга қўйилишида, табиат ва инсоннинг бир бутун яхлитлигида олинади. Муносабатлар "хукмрон ва тобе", "кучли ва кучсиз" нуқтаи назаридан баҳоланмайди.

Воқеликни билиш усулларида бир чизиқлик эмас, кўпчизиқликка урғу берилади. Эмпирик, рационал ва иррационал билиш усуллари бирлашиб кетади, улар ўртасига тўсиқ қўйилмайди.[4.17] Интеграл дунёқарашда диний, миллий ва дунёвий қадриятларнинг уйғунлашуви амалга ошади. Натижада қадриятлар инсонларни бирлаштирувчи васитага айланади. Инсоннинг шахсий қадриятлари фикрлаш усулида акс этади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятимиз аъзоларининг интеграл дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантириш Янги Ўзбекистон стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда муҳим шартлардан биридир.

### References:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси – Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2021.
2. Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. Тошкент: "Noshir" нашриёти. 2015.
3. Наследие ал-Фараби и формирование нового интегрального мировоззрения. Коллективная монография./ Под общ.ред. З.К.Шаукеновой. – Алматы: ИФПР КН МОН РК, 2012.
4. Тураев Б.О. Маънавий меросни ўрганишда синергетик методологиянинг ўрни // Синергетика-3: маънавий мерос. Илмий тўплам. Т.: "FAN ZIYOSI" нашриёти, 2024.
5. Уилбер К. Краткая история всего /пер.с англ. С.В.Зубкова. Москва:Аст: Астрель, 2006.